

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси Кенгаши йиғилишининг
2025-йил 3-декабрдаги 6-сонли
мажлис баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси Касаба уюшмаси қўмитаси
билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари учун
Ички меҳнат тартиби
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Ички меҳнат тартиби қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6097-сон, 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда Академия) Устави асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Академияда меҳнат, илмий фаолият ва ўқув жараёнига оид бўлган қоидаларни тартибга соладиган ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Қоидаларга риоя қилиш Академия ходимлари ва таянч докторантлар учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик мазкур ҳужжатга мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

3. Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Академия Кенгаши – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш мақсадида тузиладиган коллегиял маслаҳат органи;

Академия раҳбарияти – Академия ректори ва проректорлари;

Одоб-ахлоқ комиссияси – Академия ходимлари, тингловчилари ҳамда магистрантларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун Академия ректорининг буйруғи билан Академия проректори раислигида тузиладиган комиссия;

ходим – Академиянинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари, профессор-ўқитувчилари;

4. Қоидалар билан Академия ходимлари Академия Кадрлар бўлими томонидан ёзма равишда (имзо чектириб) таништирилади.

2-боб. Қоидаларнинг мақсади ва вазифалари

5. Қоидаларнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

Академия ходимлари ўртасида бирдамлик, ҳамфикрлик, соғлом касбий, ахлоқий ва маънавий-психологик муҳитни шакллантириш;

ходимларда ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш ва муомала маданиятини ривожлантириш, уларни Академиянинг қадриятларига ҳурмат ҳиссида бўлишини таъминлаш;

бошқарув ходимларининг профессор-ўқитувчилар, техник, хизмат кўрсатувчи ҳамда ўқув-ёрдмчи ходимларга нисбатан хушмуомала бўлишини ва уларни обрўсизлантирувчи сўзларни ишлатиш, хатти-ҳаракатлардан тийилишни таъминлаш;

ўзининг асосий меҳнат мажбуриятидан ташқари жамоатчилик асосида қўшимча хизмат кўрсатаётган ходимларга нисбатан ушбу Қоидаларнинг 16-банди асосида қўшимча рағбатлантириш чораларини кўриш;

Академиянинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраш;

одоб-ахлоқ қадриятларини ривожлантириш, ташқи кўриниш ва хулқ-атворга бўлган талабларга оид ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

6. Қоидалар қуйидаги вазифаларни бажаради:

Академия ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилишини таъминлаш;

ходимларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида бўлишини таъминлаш; ходимларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантириш ва юксалтириш;

соғлом академик ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш;

ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни номақбул хатти-ҳаракат, жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, шунингдек, турли салбий иллатлар ва миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмнинг таъсир ҳамда хуружларидан ҳимоя қилиш;

ходимларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши муросасизлик, коррупциявий ҳолатларга нисбатан тоқатсизлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш;

номақбул хатти-ҳаракатлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

ходимларда намунали хулқ-атвор ва муносиб ташқи кўринишга оид маданиятни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

Академиянинг давлат ва жамият ҳаётидаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузи, обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада ошириш.

3-боб. Ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

доимий равишда ўзларининг касбий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш;

ўқув жараёнини янада яхшилаш ҳамда ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича Академия раҳбариятига таклифлар киритиш;

Академия фаолияти билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотлар ва маслаҳатлар олиш;

Академия илмий фаолиятини, ўқув жараёнини, маданий-маърифий тадбирларни, Академияда ижтимоий-маиший соҳани такомиллаштиришга оид масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

кабинетлар, аудиториялар, ахборот ресурс марказлари, ахборот тизими, ўқув ва илмий ҳамда бошқа базалари, ўқув зали, компьютер техникаси, бошқа ўқув ва ўқитишнинг ёрдамчи воситаларидан, шунингдек, идоровий спорт-соғломлаштириш мажмуасидан ҳамда тиббий ёрдамдан фойдаланиш;

тўғараклар, маънавий-маърифий, маданий ва бошқа тадбирлар, илмий-тадқиқот ишларининг барча турлари, конференциялар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, симпозиумлар, учрашувлар, илмий баҳс-мунозараларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

белгиланган тартиб ва қоидаларга кўра давлат грантларида иштирок этиш;

белгиланган тартибда етакчи хорижий таълим муассасаларида академик алмашинувда иштирок этиш;

Академия ходимларининг ножўя хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш *(ўзининг ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобловчи ходим мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси орқали иш берувчига оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Агар, ходим ўз ҳуқуқларини иш берувчи томонидан бузилган деб ҳисобласа, касаба уюшмаси қўмитасига ва юқори турувчи ташилотга оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Ходимнинг мурожаати тегишли тартибда рўйхатга олинishi лозим)*;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

8. Ходимлар қуйидаги мажбуриятларга эга:

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиш;

меҳнат шартномаси билан ўз зиммасига юклатилган меҳнат мажбуриятларини виждонан бажариш;

меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилиш;

ходимлар Академия ҳудуди ва биносига кириб-чиқишда кириш жойларига ўрнатилган турникет ва махсус таниб олиш тизими орқали ўтиши (таниб олиш тизимидан ўтишда истисноларга йўл қўйилмайди);

иш вақтида зарурат юзасидан шахсий эҳтиёжлари учун бир соатгача бўлган муддатга бўйсинувга кўра кетма-кетлик асосида тармоқ раҳбарларидан, икки соатгача бўлган муддатга тегишлилиги бўйича проректорлардан, уч соат ва ундан ортиқ муддатга Академия ректоридан рухсат олиш ва бу ҳақда Академия Кадрлар бўлимини хабардор қилиш;

белгиланган меҳнат нормалари талабларини бажариш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, меҳнат интизомига, санитария-гигиенаси қоидаларига риоя қилиш;

Академия мулкани асраб-авайлаш, ундан тежамкорона фойдаланиш, энергия ресурслари ва сувни тежаб ишлатиш, техника хавфсизлиги қоидаларига, аудиториялар, бинолар ва уларга туташган ҳудудларда санитария қоидаларига риоя қилиш, тозаликни сақлаш;

иш берувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини амалдаги қонунчилик нормаларида белгиланган тартибда ва доирада қоплаш;

инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, иш берувчининг мол-мулки (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) бут сақланишига таҳдид соладиган вазият юзага келганлиги тўғрисида иш берувчига ёки бевосита раҳбарга дарҳол хабар қилиш;

бошқа ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслик;

Академия Устави, Академия Кенгаши қарорлари, Академия ректорининг буйруқ ҳамда фармойишларига риоя қилиш;

ўқув режа ва дастурлар талабларини белгиланган муддатларда бажариш;

Академияда берилган қонуний топшириқларни ўз вақтида, аниқ, сифатли бажариш;

ўз шаънига доғ туширмаслик, Академия обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиш, фуқаролар билан мулоқот қилганда ҳамда ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларида ўзининг намунали хулқ-атвори билан Академия ҳақида юксак ижобий таассурот уйғотиш;

Академияда мавжуд маълумотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш мақсадида фойдаланмаслик;

ўз фаолияти давомида олинган маълумотлардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик, шунингдек, уларни Академия раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик;

ўзаро муносабатларда миллий қадрият ва анъаналар, ягона жамоавий муҳит, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига таяниш, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

Академия тингловчилари, магистрлари ва докторантлари билан аудитория ва унинг ташқарисидаги муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда улар билан ҳушмуомалада бўлиш; ҳеч бир шахсни жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, лавозими ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар камситмаслик, бошқа шахслар ҳақида турли ифво, фитна, ғийбат ва бўҳтонлар уюштирмаслик ва тарқатмаслик;

давлат ҳокимияти ва республика ижро этувчи органлари, шунингдек, Академия, унинг ходимлари, тингловчилар ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри талқин қилинган ёки нотўғри талқин қилиш учун имкон берадиган маълумотларни тарқатмаслик, бундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек, жамоатчилик олдида ва ижтимоий тармоқларда бу мавзуда чиқишлар қилмаслик;

Академия ходимлари, тингловчилари, магистрантлари ҳамда докторантларининг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик, касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларини аниқлашга уринмаслик;

шахсий ёки ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суиистеъмол қилмаслик, бошқа ходимларга, шунингдек, уларнинг меҳнат ва ўқув жараёнидаги саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказмаслик;

низоли вазият юзага келганда ўз ҳиссиётларини жиловлаш ва мазкур вазиятни кўриб чиқиш бўйича Академиянинг тегишли тармоғи ва масъул ходимларига мурожаат қилиш;

иш жойи (шу жумладан, ўқув-танишув, иш ўрганиш амалиётлари, амалиёт ва касбий стажировка) га ўз вақтида келиш ҳамда ички меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш;

ходимлар касаллик туфайли ишга кела олмаган тақдирда, бу ҳақида дарҳол Академия Кадрлар бўлимига маълум қилиш ҳамда касаллиги ҳақидаги тиббий

маълумотнома, хулоса ёки бошқа ҳужжатларни даволанишдан кейин узоғи билан 3 кун муддат ичида Академия Кадрлар бўлимига тақдим этиш;

машғулотлар давомида овқатланмаслик, сақич чайнамаслик, шунингдек, шахсий компьютер ва бошқа коммуникация воситаларидан фақат ўқув машғулотларидан келиб чиқиб фойдаланиш;

ўқув машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланмаслик, ушбу воситаларни ўчириб қўйиш (фақат фавқулодда ва дарс машғулотларига дахлдор ҳолларда алоқа воситасидан фойдаланишга рухсат берилиши мумкин);

дарс машғулотлари ўтказиладиган жой (аудитория)нинг озода тутилиши, дарс вақтини тўлақонли, унумли ўтказиш, дарс машғулотлари ўтказиладиган жойдаги (аудитория) машғулотлар тугагач, хоналарнинг тартибга келтирилишини назорат қилиш;

ўз илмий-назарий, маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий савиясини мунтазам ошириш, касбга оид билим, маҳорат, кўникма ва ишчанлик сифатларини мунтазам такомиллаштириб бориш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотлар ва янгиланишлардан хабардор бўлиш;

касбий ва педагогик билимларни эгаллашда ташаббус ва ғайрат кўрсатиш, лоқайдликка йўл қўймаслик;

Академия томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар, конференциялар) даги иштироки жараёнида сўзга чикувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, тадбир давомида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, раислик қилувчи ва модераторнинг рухсатисиз лукма ташламаслик, сўзга чиқмаслик, ташкилотчининг рухсатисиз тадбирдан чиқиб кетмаслик (фавқулодда ёки зарурий эҳтиёж туғилган ҳолатлар бундан мустасно);

халқаро ва хорижий грантлар ҳамда лойиҳалар, шунингдек, чет эл билан боғлиқ бошқа тадбирларда иштирок этишдан олдин Академия раҳбариятининг розилигини олиш ва тегишли тармоқлар раҳбарларини хабардор қилиш, мазкур тадбирлар доирасида, шунингдек хизмат ва шахсий мақсадларда хорижий сафарларга чиқишдан аввал Академия раҳбарига ёзма равишда мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг рухсатини олиш тартибига қатъий риоя қилиш;

Академия раҳбариятининг рухсатисиз турли реклама воситаларини Академия биносига ўрнатмаслик, электрон воситалар ёрдамида тарқатмаслик;

Академия ҳудудида, хусусан, бино ичида, йўлакларда (фойе, зина, лифт), ўқув аудиториялари, мажлислар заллари, ошхона, ҳожатхона ва бошқа умумий фойдаланиш жойларида тамаки чекмаслик;

Академия ҳудудига кишини маст қилувчи турли хил психотроп ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилган ҳолда келмаслик;

коррупцияга қарши курашиш ва унинг профилактикасига фаол қўмаклашиш;

бирон-бир фавқулодда ҳолат ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан Академия раҳбариятга хабар бериш;

Академия раҳбарияти ва ходимларига тингловчилар томонидан бирон-бир масала юзасидан вужудга келган ҳолатлар бўйича муайян тартиб (Кафедра – Деканат – Кадрлар бўлими – Академия проректори – Академия ректори субординация тамойили) асосида мурожаат қилиш;

Академия раҳбарияти қабулига киришда мобил телефонлар ва бошқа электрон қурилмаларни қабулхонада қолдириш;

иш вақтидан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиш ҳамда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

кафе ва ресторанларда муҳим сана, байрам ёки бошқа муҳим воқелик муносабати билан корпоратив ёки жамоавий ўтиришлар ташкил этмаслик;

соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва атрофдагиларнинг соғлиғини сақлашга ғамхўрлик қилиш, эстетик ва экологик маданиятнинг ошишига қўмаклашиш;

ташқи кўриниш ва кийиниш маданиятига риоя этиш, бунда:

аёллар қоида тариқасида Академияга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка ёки одми костюм ва тўқ рангдаги пойабзалда келиш;

эркаклар қоида тариқасида оқ, ҳаворанг, оч жигарранг ёки оч кулранг кўйлақда, классик услубдаги шим ёки одми костюм, галстукда ва тўқ рангдаги пойабзалда келиш;

қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юрмаслик;

аёллар юзини кўзга ташланадиган даражада макияж қилмаслик ва тақинчоқлар тақмаслик;

ташқи қиёфа ва кийимлар озода, покиза бўлишини таъминлаш.

Ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

4-боб. Академия ҳудуди ва биносига кириш ҳамда чиқиш тартиби

9. Ходимларнинг Академия ҳудуди ва биносига кириб-чиқиши ўрнатилган турникет ёки махсус таниб олиш тизими орқали хизмат гувоҳномалари ҳамда шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

10. Хизмат гувоҳномасидан унинг эгасидан ташқари бошқа шахслар томонидан фойдаланиш ҳамда ғаразли мақсадларда ишлатиш тақиқланади.

11. Ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганда хизмат гувоҳномасини Академия Кадрлар бўлимига топшириши ва ўзига бириктирилган товар-моддий бойликларни белгиланган тартиб асосида топшириши шарт.

12. Хизмат гувоҳномасининг сақланиши учун ходим шахсан масъул бўлиб, яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқотилганда бу ҳақида Академия Кадрлар бўлимига зудлик билан маълум қилиши лозим.

13. Бунда хизмат гувоҳномасининг йўқотиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ходимдан тушунтириш хати олиниб, ходимга нисбатан чора кўриш масаласини ҳал қилиш учун Академия раҳбариятига таклиф киритилади ҳамда янги хизмат гувоҳномаси тайёрлаб бериш бўйича зарур чоралар кўрилади.

14. Академия биносига ўқув жараёни билан боғлиқ воситалардан (компьютер, планшет ва бошқа ахборот ташувчи ускуналар бундан мустасно) ташқари бошқа моддий буюм ва анжомларни олиб кириш ёки олиб чиқиш фақатгина Академия ректори ёки проректорларидан бирининг рухсати билан тегишли тартибда расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

15. Академия ҳудуди ва биносига асосий кириш жойидан ташқари бошқа жойлардан ходимларнинг кириш-чиқиши, моддий буюм ва анжомларни олиб кириши ёки олиб чиқиши тақиқланади.

5-боб. Ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг жавобгарлиги

16. Ишдаги ютуқлари учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин.

17. Ходимлар қуйидаги шаклларда рағбатлантирилади:

давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига таклиф киритиш;

Академияда кўп йиллар мобайнида бенуқсон ишлагани учун фахрий ёрлик, пул мукофотлари билан рағбатлантириш;

юбилей саналари муносабати билан моддий рағбатлантириш, совғалар бериш;

касб байрами муносабати билан бир йўла бериладиган мукофотлар;

байрам саналари муносабати билан бериладиган мукофотлар ва бошқа шакллардаги рағбатлантириш чоралари.

18. Иш ҳақи, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар мазкур Қоидаларда белгиланган рағбатлантириш турларига кирмайди.

19. Ходимлар Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятлар, талаблар ва тақиқларни бузган тақдирда Академия Кадрлар бўлимининг билдиргиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 302-311-моддаларида белгиланган қоидалар асосида Академия раҳбари(иш берувчи)нинг хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарори ва хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи билан камида уч нафар аъзодан иборат таркибда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия тузилади ва ушбу комиссия томонидан уларнинг хатти-ҳаракатлари ўн беш иш куни давомида кўриб чиқилади.

Комиссия томонидан хизмат текшируви натижалари тўғрисида далолатнома тузилади.

20. Ходимлар Қоидаларда кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, уларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

ҳайфсан;

ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;

меҳнат шартномасини бекор қилиш.

21. Интизомий жазо чоралари Академия ректори буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Интизомий жазо интизомий қилмиш аниқланганидан кейин дарҳол, бироқ аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади, бунда ходим вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган ёки таътилда бўлган давр ҳисобга олинмайди.

23. Интизомий жазо чораси жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида амал қилади.

24. Агар, ходимга интизомий жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида янги интизомий жазо қўлланилмаса, у интизомий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

25. Академия ректори интизомий жазони ўз ташаббусига кўра, ходимнинг бевосита раҳбарининг, касаба уюшмаси қўмитасининг илтимосномасига, шунингдек, ходимнинг

илтимосига кўра, бир йил ўтгунига қадар муддатидан олдин олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш Академия ректори буйруғи билан расмийлаштирилади.

26. Интизомий жазо чораси қўлланилган ходимлар жазонинг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан шикоят билан Академия кенгашига мурожаат этиши мумкин.

27. Ходимларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси юзасидан маълумот унинг шахсий ҳужжатлар тўпламида сақланади.

6-боб. Яқуний қоидалар

28. Қоидалар талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

29. Ҳар бир ходим қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Қоидалар, Академиянинг бошқа локал ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

30. Ўзларининг ҳуқуқларини бузилган деб ҳисоблаган ходимлар Академия ректорига оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақлидир.

31. Қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат тегишлилиги бўйича Академия проректорлари томонидан амалга оширилади.